

“МУБОЛАҒА” СЕМАНТИКАСИ” ВА УНИ ВОҚЕЛАНТИРУВЧИ ВЕРБАЛ ҲАМДА НОВЕРБАЛ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ МАЙДОНИ

Убайдуллаева Бахтигул Ўктамжон қизи

А.Д.Ч.Т.И Инглиз тили ўқитишнинг интеграллашган курси кафедраси ўқитувчиси

Инглиз ва ўзбек тиллари адабиётларида биз муболаға санъати қўлланилган турли жанрдаги асарларни учратишимиз мумкин. Муболаға санъати муаллиф баён этаётган фикрни бўрттириб ифодалаш, уни меъёрдан ортиқ даражада эканлигини кўрсатиш учун қўлланилади. Уни тўлақонли тушуниш учун, аввало, “Муболаға” концептига таъриф беришни жоиз деб биламиз. “Муболаға” сўзи грекча “hyperbole” сўзидан олинган бўлиб, “бўрттириб ижро этмоқ” деган маънони ифодалайди ҳамда у нутқ бирлиги ҳисобланиб, бирон нарса, воқеа, шахс кабиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мақсадида фикрларни бўрттириб, уларнинг ҳаддан зиёда эканлигини тақазо этади. Муболаға биз кундалик ҳаётимизда жуда кўп ҳолларда фойдаланадиган нутқ бирлиги ҳисобланади. Масалан:

- а) It has been ages since I last saw you. (Сени учратганимга неча асрлар бўлди.)
б) I am trying to solve a million issues these days. (Шу кунларда мен миллионта масалани ҳал этяпман)

Муболағани ўрганишда уни симиле ва метафора билан чалкаштириб юбормаслик жуда муҳим. Ҳақиқатан, муболаға метафора ва симиле сингари қиёслашни ҳосил қилади, лекин муболаға кучайтириш орқали юмористик таъсирни вужудга келтиради. Инглиз бадий адабиётларида ҳам ундан турли адиблар ва шоирлар моҳирона фойдаланишган. Масалан:

- а) I'll love you dear, I'll love you
Till China and Africa meet
And the river jumps over the mountain
And the salmon sing in the street,
I'll love you till the ocean
Is folded and hung up to dry. (W.H. Auden “As I walked one evening”, p.144)
б) I had to wait in the station for ten days- an eternity. (Joseph Conrad “The Heart of darkness”, p. 55)

Шарқ классик шеъриятида муболаға санъатига шеър зийнати сифатида қараганлар. “Аҳзанаҳу акзабаҳу ” (Енг яхши шеър- энг ёлғон шеърдир) деган нақлга амал қилишган. Бу шеърий санъатдан деярли барча шарқ шоирлари ўзларининг ғазал, туюқ, рубоий ва бошқа жанрдаги асарларида фойдаланишган. Масалан: Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,

Етти фалак ахтарининг буржи ул. (А.Навоий “Ҳайрат ул-аброп”, 475-бет)

Халқ оғзаки ижоди, айниқса, дostonларда ҳамда мумтоз адабиётимизда баъзан орттирмали муболағалар ҳам учрайдики, уларга ишониш ва тасаввур қилишнинг мутлақо иложи йўқ. Масалан:

а) Оҳ урса, оламни бузар товуши,

Тўқсон молнинг терисидан ковуши. (“Алпомиш” дostonидан, 42-бет)

б) Тикилсам қурийди дарёнинг гуми,

Наъра тортсам қулар қўрғоннинг тими. (“Алпомиш” дostonидан, 69-бет)

Юқоридаги режада таъкидлаб ўтганимиздек, концептлар яхлит ментал тушунчалар ҳисобланиб, инсоннинг онг ва тафаккури маҳсули сифатида намоён бўлади. Концептлар ҳар бир ёзувчи ёки сўзловчининг концептосферасида мавжуд бўлади. “Муболаға” концепти ёхуд “муболаға” концептуал семантикаси ҳам ўзининг коммуникатив жиҳатдан муҳимлиги ва мулоқот учун зарурий восита эканлиги билан фарқланади. Бу эса “муболаға” семантикасининг универсал табиатга эга эканлигини кўрсатади ҳамда у ҳар қандай тилда уни моддийлаштирувчи яъни воқелантирувчи тил унсурлари тизими мавжудлигини исботлайди.

“Муболаға” семантикаси турли тизимли тилларда вербал ҳамда авербал воситалар орқали ифодаланади. Қуйида “муболаға” семантикасини ифодаловчи вербал воситалар гуруҳи билан танишиб ўтамиз:

1) **Фонема** (Сўздаги бирор бир унли ёки ундош товушнинг чўзиқроқ талаффуз этилиши натижасида “муболаға” семантикаси ифодаланади ҳамда бу усул *пролонгация* атамаси билан юритилади.) Инглиз тилида *so, rather, quite, very, such* ва ҳоказо. Масалан: The effort of resolution necessary to the achievement of this purpose, I found to be quite awful. (Charles Dickens “Great Expectations”, p. 16)

Ўзбек тилида ҳам пролонгация усули “муболаға” семантикасини ифодалаш учун кўп қўлланилади. Бу усулда сўздаги мавжуд бирор товуш чўзиб талаффуз этилади: *аллақачон, анча, совуқ, узоқ ва ҳоказо*. Она тилимизда “Муболаға” концептуал семантикасини моддийлаштирувчи воситалардан яна бири бу- сўзнинг дастлабки бўғинининг иккилантирилишидир: *қоп-қора, қип-қизил, сап-сарик, кўм-кўк, оппоқ ва ҳоказо*. Сифатларни такрорлаб, такрорий сифатлар яшаш орқали ҳам маъно кучайтирилиши мумкин: *катта-катта, яхши-яхши, лўппи-лўппи, оғир-оғир ва бошқалар*. Масалан:

а) Қоронғи тушгандан кейин, Хатамова, ўрта ёшлардаги барваста бир киши ва қоп-қора бир қиз билан кириб келди. (Абдулла Қаҳҳор “Дахшат”, 55-бет)

б) Палата эшиги олдида бизни ҳиндига ўхшаган қоп-қора, катта-катта кўзлари ёниб турган бир йигит, афтидан, Мастуранинг эри камоли эҳтиром билан кутиб олди ва ҳар қайсимизга миннатдорчилик билдириб, ичкарига йўллади. (Абдулла Қаҳҳор “Дахшат”, 58-бет)

2) **Морфема:** Инглиз тилида *-less, reckless, -in, un-, non- and etc.* Ўзбек тилида –мас, қайтмас, толмас, -сиз, юраксиз, бе-, беномус, ,бебахо ва ҳоказо. Масалан:

a) I thank you again and again for the honour you have done me in your proposals, but to accept them is absolutely impossible. (Jane Austen “Pride

b) Ўлмас ихтиёрсиз қулоғини ушлаб, секин ётоққа томон бурилган эди, Мурад тўхтатди. (Абдулла Қаҳҳор “Йиллар”, 36-бет)

3) **Лексема:** Инглиз тилида *impossible, inadvisable, never-ending, non-stop, nevermore, never-never land, forever and ever and so on.* Ўзбек тилида *енгилмас, борса келмас, қайтмас, олғир ва ҳоказо.* Масалан: He promised to be her friend forever and ever. (Macmillian English Dictionary, p.2034)

4) **Фразема** (Сўз бирикмаси орқали ифодаланади): Инглиз тилида *immovable hostility, impassable road, incompatible ideas and so on.* Ўзбек тилида *кўзгинамнинг оқ-у қораси, йўғ-у борим, ош-у ноним ва бошқалар.* Масалан: Булардан бири қишлоқ мактабининг қоровули ва фарроши – Қумринисо деган нимжонгина бир хотин. (Абдулла Қаҳҳор “Хотинлар”, 43- бет)

5) **Сентенсема** (Сентенсемаларнинг барча: содда, қўшма ва аралаш турлари орқали ифодаланади.) Масалан:

a) But here is an artist. He desires to paint you the dreamiest, shadiest, quietest, most enchanting bit of romantic landscape in all the valley of the Saco. (“Moby Dick” by Herman Melville, p.24)

b) Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, яқтакчан оғил эшиги ёнида туриб дағ-дағ титрайди, тиззалари букилиб-букилиб кетади; кўзлари жавдирайди, ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди. (Абдулла Қаҳҳор “Ўғри”, 7-бет)

6) **Фразеоема** (“Муболаға” семантикаси ҳар қандай тилда фразеоемалар яъни фразеологик бириклар орқали ифодаланади. Улар тақдим этилаётган фикрга эмотсионаллик ва таъсирчанлик бағишлайди.) Инглиз тилида *to make a mountain out of a molehill, to feel like a million dollars, chicken-hearted, to give the cold shoulder, as cool as a cucumber, to cost an arm and a leg, dressed to kill/the nines and etc.* Ўзбек тилида *ўз ёғига ўзи қовурилмоқ, қудачилик-минг йилчилик, жонини жабборга бермоқ, ойни этак билан ёпмоқ, оёғини қўлига олиб чопмоқ, ўпкасини қўлтиқламоқ, терисига сомон тиқмоқ ва кўплаб бошқа мисоллар.* Масалан:

a) She is feeling like a million dollars. (Macmillian English Dictionary, p. 1987)

b) Ер хайдасанг, куз хайда,
Куз хайдамасанг, юз хайда.

7) **Текстема** (Бу усулда градация ва климакслардан фойдаланилади.) Уни яна дискурсема деб ҳам аташ мумкин. Градация ёхуд климакс “муболаға” семантикасини воқелантиришга ёрдамлашувчи стилистик воситалардан бири ҳисобланиб, у кучли лоф уришга, муболағага асосланади. Бунда бўрттириш сўздан сўзга қараб кучайиб

бораверади. Яъни бир хил сўз туркумига оид бўлган уюшиқ бўлақлар занжири яратилади ва натижада муболаға ҳосил бўлади. Муҳим жиҳати шундан иборатки, бунда муболағани давом эттираётган сўз олдинги бўлақдан, албатта, кучлироқ бўлиши шарт. Масалан:

- a) Оҳим кўкдан, фалақдан, самодан ўтди. (8-синф она тили дарслиги, 45-бет)
- b) I beg you a thousand pardons; to be scared to death; to be tickled to death. (Д. Ашурова “Стилистика ва матн таҳлили”, р. 32)

Юқорида таъкидлаганимиздек, “муболаға” семантикаси авербал воситалар орқали ҳам ифодаланади. Авербал воситалар паралингвистик воситалар (“Парамиевема” Хошимов 2017, 13) деб аталади ҳамда улар инсон танасининг турли аъзолари: юз, кўзлар, лаблар, қошлар, бош, елка кабиларнинг ҳаракати ёрдамида амалга оширилади. Масалан:

- a) Бу гапни эшитиб улар хангу-манг бўлиб қолишди (оғзи очилиб).
- b) Мен гапирсам хаммининг оғзини ланг очаман (очиб кўрсатади).

Юқорида келтириб ўтилган вербал ҳамда авербал воситалар гуруҳининг таснифини қуйида намоиш этилган Инглиз ва Ўзбек тилларида муболаға “майдони” диаграммаси орқали яна бир бор хотирада мустаҳкамлаймиз. Биз тақдим этаётган диаграммада вербал воситалар гуруҳини ташкил этувчи фонема, морфема, лексема, фразема, фразеоема, сентенсема ва текстема ҳамда авербал восита асосини ташкил этувчи паралингвема турли ранглар орқали ифодаланган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ж.Б.Қорабоев. “Муболаға концептуал семантика”сини воқеалантирувчи вербал ва новербал воситалар тизимига хос универсал қонуниятлар. БухДУ илмий ахбороти 2017/1 (65)
2. Д. Ашурова “Стилистика ва матн таҳлили” Тошкент, р. 32
3. А. Қаххор “Ўғри” Тошкент 1936, 7-бет